

ЛАБГУЛДОШЛАР ОИЛА ВАКИЛЛАРИНИНГ ТИББИЁТДА ҚЎЛАНИЛИШИ ВА КИМЁВИЙ ТАРКИБИ

Хайдаров Мавлонжон Машрабович

ФарДУ Зоотехния ва агрономия кафедраси катта ўқитувчиси

Сайрамов Файзулло Баратжон ўғли

ФарДУ, Зоотехния факултети талабаси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7361278>

Аннотация. *Хозирги кунда анъанавий тиббиёт (халқ табобати) халқ заковати билан сугорилган жуда бой ва улкантажриба билимлар мажмуасидир. У илмий (расмий) тиббиётни янги, самарали доривор препаратлар билан бойитувчи битмас туганмас манбадир. Халқ табобатининг бу соҳадаги қиммати, тутган ўрни бебаҳодир. Бунинг учун мисол тариқасида ҳозирги замон тиббиётда қўлланиладиган шифобахи ўсимликларни кўпчилиги ўз вақтида халқ табобати доривор воситалар хазинасидан олинганлигини ёки хозирги замон илмий тиббиётининг ўзи халқ табобати асосида тараққий этганини эслаш кифоядир.*

Калит сўзлар: *лабгулдошлар оиласи, тиббиётда қўлланилиши, кимёвий таркиби, оила вакиллари.*

ЛЕКАРСТВЕННОЕ ПРИМЕНЕНИЕ И ХИМИЧЕСКИЙ СОСТАВ ПРЕДСТАВИТЕЛЕЙ СЕМЕЙСТВА ЛАБГУЛОДАШ

Аннотация. *Сегодня традиционная медицина (народная медицина) представляет собой комплекс очень богатых и обширных знаний, пропитанных мудростью народа. Это неиссякаемый источник, обогащающий научную (официальную) медицину новыми эффективными лекарственными препаратами. Значение и роль народной медицины в этой области бесценны. В качестве примера достаточно вспомнить, что большинство лекарственных растений, используемых в современной медицине, были взяты из сокровищницы народной медицины или что сама современная научная медицина развивалась на основе народной медицины.*

Ключевые слова: *семейство лабгулевых, использование в медицине, химический состав, представители семейства.*

MEDICINAL USE AND CHEMICAL COMPOSITION OF MEMBERS OF THE LABGULODASH FAMILY

Abstract. *Today, traditional medicine (folk medicine) is a complex of very rich and extensive knowledge, infused with the wisdom of the people. It is an inexhaustible source that enriches scientific (official) medicine with new, effective medicinal preparations. The value and role of folk medicine in this area is priceless. As an example, it is enough to remember that most of the medicinal plants used in modern medicine were taken from the treasury of folk medicine or that modern scientific medicine itself developed on the basis of folk medicine.*

Key words: *family of labguls, use in medicine, chemical composition, representatives of the family.*

Лабгулдошлар оилсига 200 га яқин туркум, 3000 га яқин тур киради. Орта Осиёда 53 туркумга мансуб 460 тури учрайди. Ўзбекистонда эса 42 туркумга мансуб 210 тури ўсади. Ялпиздошлар Ўзбекистонда кенг тарқалган оилалардан бўлиб, улар фойдали (доривор) турларга бойлиги билан бошқа оилалардан ажралиб туради. Жумладан,

Капалакқонмас (Ажуга Регель), Бозулбанг (Лагочилус Л.), Арслонқуйрук (Леонурус Л.), Ялпиз (Ментха Л.), Тоғрайхон (Ориганум Л.), Маврак (Сальвиа Л.), Тоғқуддуси (Бетониса Л.), Какликот (Тхймус Л.) ва Кийикот (Зизипхора Введ.) туркумларининг вакилларида жуда қадимдан тиббиётда, озиқ овқат, қандолатчиликда ва парфюмерия саноатида фойдаланиб келинмоқда

РАЙХОН-БАЗИЛИК ДУШИСТЫЙ ИЛИ Б. КАМФОРНЫЙ - *OSIMUM BASILICUM* L. Райхон эвгенол ва камфора эфир мойларининг манбаи ҳисобланади.

Эфир мойлари ва эвгенол парфюмерия ва озиқ - овқат саноатида ишлатилади. Барглари каротин ва рутин манбаи ҳисобланади. Тиббиётда райхоннинг ер устки қисми (поясиз ва ёғочланган пастки қисмларисиз) ишлатилади. У буриштирувчи, шамоллашга қарши, яраларни битирувчи ва антисептик таъсирларга эга. Шунинг учун ўсимликнинг грипп эпидемияси даврида қўллаш фойдалидир. Райхон бош айланишини, овқат хазм қилиш



аъзоларини ишлашини яхшилади, тиш оғригини қолдиради, бачадон силлик мускулларини бўшаштиради, Тўғри ичак шишини қайтаради.

Ангина-1 г райхоннинг эфир мойи 50 г. қанд кукуни билан аралаштирилади ва 1 ош қошиқдан чой билан овқатдан кейин қабул қилинади. Грипп-2-5 томчи эфир мойи кунига асал билан 2-3 марта қабул қилинади. Сийдик йўлида тош касаллиги-2 ош қошиқ райхон гули 1 стакан сувда қайнатилиб, совутилади ва докадан ўтказилиб, сийдик ҳайдовчи восита сифатида қўлланилади. Асаб танглиги ва қаттиқ чарчоқ-1 ош қошиқ райхонга 1 стакан қайнаган сув солиниб, 15-20 минут дамлаб, қанд ёки асал билан ичилади. Кунига 2 мартадан кўп бўлиши керак эмас. Кўнгил айниш - 1 ош қошиқ райхонга 1 стакан қайнаган сув солинади ва 20 минут дамланади. Докадан ўтказиб, кўнгил айнишда ичилади. Тиш оғриғи-пахтага эфир мойи шимдириб, оғриган тишга қўйилади. 1 ош қошиқ райхон 1 стакан қайнаган сувда 15-20 минут дамлаб қўйилади ва оғиз чайилади. Ангинада ушбу дамлама билан томоқ чайилади. Ўттал - райхон ва эвкалипт эфир мойларини бир хил миқдорда аралаштириб 1 стакан қайнаган сувда суюлтирилади ва унинг буғи билан нафас олинади (сочиқ билан ёпиб). Отит-2 ош қошиқ майдаланган райхон 0,5 л сувга солиниб паст оловда қайнагунча ушлаб турилади, 10 минут дамланади ва оғриган қулоққа компресс қилинади. Копрессни 1-2 соатдан ҳар куни қулоқ оғриғи тўхтагунча қилиш мумкин. Яралар-1 ош қошиқ райхон уруғига 1 стакан қайнаган сув солиб 15 минут дамланади ва кейин яралар ювилади. Райхоннинг эфир мойлари терини юмшатади ва озиқлантиради. Унинг препаратларини юрак касалликларида, қанд касаллиги, тромбофлевитда тавсия қилинмайди.

Ўсимликнинг ер устки қисми 1-1,5% эфир мойлари, 6%гача ошловчи моддалар, гликозидлар, сапонинлар, минерал моддалар, аскорбин кислотаси, қандлар, целлюлоза, оксил, витамин Р, провитамин А, камфора сақлайди. Эфир мойи эвгенол (70%), метил хавинол, цинеол, линалоол, камфора оцименлардан таркиб топган ўсимлик ҳисобланади.



**МАЙДА ГУЛЛИ ТОҒРАЙХОН – ДУШИЦА
МЕЛКОЦВЕТНАЯ - *ORIGANUM
TUTTHANTHUM GONTSCH.***

Ўсимлик марказий нерв системасини тинчлантирувчи, овқат ҳазм қилиш ва бронхиал безлар секрециясини кучайтиради. Қайнатмаси кучли сийдик ҳайдовчи сифатида маълум. Тоғрайхон шунингдек, иштаҳани очувчи ва турли хил шамоллашларда балғам кўчирувчи сифатида ишлатилади. Томоқ касалликларида чайқаш ва тери йиринг касалликларида ванна қилинади. Таркибидаги эфир мойлари тиш касалликларида оғрикни қолдирувчи ҳисобланади.

Ўсимлик таркибида ошловчи моддалар, аскорбин кислотаси, флавоноидлар ва эфир мойлари бор.



**ҚАЛАМПИР ЯЛПИЗ – МЯТА
ПЕРЕЧНАЯ - *MENTHA PIPERITA L.***

Аччик ялпиз барглари таркибидаги эфир мойларининг миқдори жанубий районларда 3%, шимолий районларда 2-2,5% ни; эфир мойидаги ментолнинг миқдори эса 50-55% ташкил этади. Ўсимликнинг эфир мойи ментол, ментон, метилацетат, ментафуран, ценеол ва бошқа биоген моддалар сақлайди.

Эфир мойлари парфюмерия, озик-овқат саноатида, алкогольли махсулотлар ишлаб чиқаришда фойдаланилади.



Ўсимликнинг барглари эфир мойларидан ташқари каротинга, органик кислоталарга ва бошқа бирикмаларга бойдир. Ўсимлик баргларида қон-томирларни кенгайтирувчи ва тетиклаштирувчи хушбўй чойлар, дамламалар тайёрланади.

Ўсимликнинг асосий таъсир этувчи моддаси ментол бўлиб, у невралгия, миалгия, артралгия касалликларида оғриқ қолдирувчи сифатида, яна бошқа дорилар билан қон-томирларни кенгайтирувчи, тинчлантирувчи восита сифатида қўлланилади. Ментол валидол, валокардин препаратлари таркибига киради.

**ТУРКИСТОН АРСЛОНҚУЙРУҒИ –
ПУСТЫРНИК ТУРКЕСТАНСКИЙ -**

LEONURUS TURKESTANICUS V. KRECZ. & KUPRIAN. Арслонқуйруқнинг

препаратлари асосан тинчлантирувчи восита сифатида гипертония, нерв қўзғалиши ва баъзи юрак касалликларида (юрак неврози, кардиосклероз) даволаш учун валериана каби ишлатилади.

Туркистон арслонқуйруғи ўтида урсул кислотаси, ошловчи моддалар, органик кислоталар, сапонинлар, флавоноидлардан рутин, кверцетин ва квинквелозид, алколоид леонуриин ва стахидрин ажратиб олинган, охириги пайтларда маҳсулотда валепотриатлар (иридоид) топилган.

ДОРИВОР МАВРАК – ШАЛФЕЙ ЛЕКАРСТВЕННЫЙ - SALVIA OFFICINALIS L. Мавракнинг барглари дориворлик хусусиятига эга.



Доривор мавракнинг баргларида тайёрланган дамлама дезинфекцияловчи ва шамоллашга қарши восита сифатида стоматит бўлганда, оғиз бўшлиғи ва томоқни чайишда, юкори нафас олиш йўллари тозалашда қўлланилади. Мавракнинг гуллари антибактериал прерарат – сальвин олиш учун ишлатилади. Халқ табобатида маврак барглари ошқозон яраси, колит, жигар, буйрак хасталикларини даволашда, бронхитда балғам кўчирувчи, юмшатувчи ва сийдик ҳайдовчи восита сифатида ишлатилади.

Маврак баргларида тайёрланган дамлама. 10 г (2 ош қошиқ миқдорида маҳсулот олиниб сирланган идишга солинади, устидан 200 мл (1 стакан) қайнаган иссиқ сув қуйиб сув ҳаммомида 15 дақиқа давомида қиздирилади. Сўнгра 45 дақиқа совутилади, докадан ўтказилади, қолган масса сиқилади. Олинган дамламанинг устига дастлабки ҳажми 200 мл бўлгунича қайнаган сув солинади. Дамламани салқин жойда 2 кун мобайнида сақлаш мумкин.

Дамламани терининг шамоллаш касалликларида, тери жароҳатланганида, куйганида ва совуқ урганида ишлатилади; бунда дамламага ботирилган докали сальфеткалардан фойдаланилади, шунингдек, доривор маврак дамласи билан ванна қилиш ҳам мумкин.

Ўсимликнинг барча органларида эфир мойи (баргларида 0,5-2,5%) мавжуд. Ундан ташқари барглар таркибида алкалоидлар, ошловчи моддалар, уваол, парадифенол ва В гуруҳи витаминлари бўлади. Илдизидида юкори фаол табиий антиоксидант ва дитерпеноидли хинонлар, гулларида эса – сальвин ва унинг монометил эфир моддаси бўлади.

БОЗУЛБАНГ – ЗАЙЦЕГУБ ОПЬЯНЯЮЩИЙ –LAGOCHILUS INEBRIANS BUNGE Ўсимлик препаратлари қон тўхтатувчи хусусиятларга эга ва тиббиёт амалиётида профилактик ва ҳар хил касалликлардаги - қон оқишида доривор модда сифатида ишлатилади (геморрой, ўпка, бурун, жароҳат ва бошқаларда). Шунингдек, артериал босимни ҳам туширади.

Ўсимликдаги гемостатик хусусият асосида қон ивиш жараёни фаоллашади ва томир деворларидан ўтказувчанлиги камаяди. Қайнатма ҳолида (1:10) қон тўхтатувчи ва капиллярларни мустаҳкамловчи восита сифатида ичилади.

Ўсимлик препаратларидаги лагохилин иштирокидаги кальций тузлари, шунингдек, ошловчи моддалар ва витамин К қон ивишини тезлаштиради ва томирлардан ўтказувчанлигини камайтиради, қон босимини пасайтириш таъсирига эга.

Ўсимликнинг гуллари ва баргларида тайёрланган дамламаси қон тўхтатувчи хусусиятга эга. Уни бачадондан, ўпкандан, бурундан, яралардан ва бошқа жойлардан қон оқишини тўхтатиш учун, шунингдек, хирургик операцияларда қўлланилади.

Уй шароитида дахлама тайёрлаш учун: 10 г гуллари ва барглари (ёки 3 ош қошиқ) 1 стакан қайнаган сувга солинади. 6-8 соат давомида тиндирилади, кун давомида 6 маҳалгача 1 ош қошиқдан ¼ стакан сув билан аралашган ҳолда ичилади. Ўсимлик препаратлари ҳар хил геморрой диатезларда тавсия этилади. Бундай шароитларда дахлама 1/3 стакандан кунига 3-4 марта ичилади. Даволаниш танаффуссиз 2-3 ой давомида амалга оширилади.

Айрим ҳолатларда ўсимлик препаратлари бир пайтда тинчлантирувчи модда сифатида ҳам фойдаланилади. Даволашда қўшимча модда сифатида ўсимлик баргларида тайёрланган дахлама глаукома, гипертониянинг (қон босими ошиши) I ва II даражали касалликларини, терининг аллергик жароҳатларини даволаш учун қўлланилади. Бундай шароитларда дахлама 1:20 нисбатда тайёрланиб, 2 ош қошиқда кунига 3 маҳал ичилади.



Айрим беморларда дахлама камқувватлик ва пульс пасайишига олиб келади. Бунда пушти ранг дахлама миқдори 2-3 марта камайтирилади. Қон тўхтатувчи восита сифатида дахламага (1:10) докали салфетка ёки пахта ҳўлланилади ва 2-5 минут қон оқаётган тўқимага қўйилади.

Ўсимликнинг гуллари ва барглари таркибида дитерпен спирт лагохилин, эфир мойи бор. Барглари таркибида ошловчи моддалар (11-14%), органик кислоталар, каротин (6-10 мг/10,0 г), филохинонлар, аскорбин кислотаси, аминстахидрин ва оз миқдорда кальций ва унинг поясида ошловчи моддалар (6-8%) ҳам мавжуд.

ГУЛБАНДЛИ КИЙИКЎТИ – ЗИЗИФОРА ЦВЕТОНОЖЕЧНАЯ - ZIZIPHORA

PEDICELLATA PAZIJ & VVED. Ўсимлик иштаҳа очишда, овқат ҳазмини яхшилашда, хафақон касаллигида, сийдик ҳайдовчи сифатида ишлатилади. Бундай ҳолатларда чой ва қайнатма қилиб ичилади. Ер устки қисми таркибида 1,3% гача эфир мойи, органик



кислоталар, витаминлар С, Е, А, флавоноидлар, антоцианлар, минерал тузлар, микроэлементлар ва бошқалар мавжуд.

ТУРКИСТОН АЮГАСИ – ЖИВУЧКА ТУРКЕСТАНСКАЯ - *AJUGA TURKESTANICA* (REGEL) BRIQ. Ер остки қисми таркибида фитоекдизонлар: аюгалактон, эkdистерон, циастерон, туркестерон, аюгостерон В 0,003%; ер устки қисмида фитоекдизонлар: эkdистерон, циастерон; шунингдек, баргларида фитоекдизонлар: эkdистерон, аюгалактон, аюгостерон В, 22-ацетилциастерон, циастерон мавжуд. Туркистон аюгаси моддаларидан ажратилган «Жистен» – сув-спиртли концентрати ЎЗР ФА Ўсимлик моддалари кимёси институтида ишлаб чиқарилган

ЛИМОН ЎТ - МЕЛИССА ЛЕКАРСТВЕННАЯ - *MELISSA OFFICINALIS* L. Лимон ўт ўсимлигининг ер устки қисми 0,02-0,2% гача баъзи ҳолларда 0,8% гача эфир мойи тутади. Эфир мойининг сифати иқлим ва географик омилларига боғлиқ бўлади. Кимёвий таҳлилларга кўра лимон ўти ер устки қисмининг учки қисмида 0,13% ташкил этади. Шунингдек, баргларида 0,39-0,44% эфир мойлари мавжуд. Эфир мойининг энг

характерли компонентлари – монотерпенларга тегишли бўлиб, цитраль ([гераниаль](#) + [нераль](#)), [гераниол](#), [нерол](#), [цитронеллол](#), [цитронеллаль](#)дан иборат. Шунингдек, лимон ўтидан олинган эфир мойларининг таркибида 200 дан ортиқ бирикмалар мавжуд бўлиб, хушбўй лимон ҳидини берувчи нераль и гераниаль мавжуд.

СУДРАЛУВЧИ АЮГА - ЖИВУЧКА ПОЛЗУЧАЯ - *AJUGA REPTANS* L. Тиббиётда баргларида, етилмаган меваларидан ва гулкўрғонларидан фойдаланилади.

Ўсимликнинг ер устки қисмидан тайёрланган шарбат таркибида кўп миқдорда олма кислотаси ва кальций мавжуд. Куйганда, ари чаққанда терига суртилади. Қон тўхтатувчи восита сифатида фойдаланилади. У моддалар алмашинувини яхшилади, шу билан бирга ўт пуфагида кум тўпланишини олдини олади.

Хулоса: Хулоса қилиб айтганда лабгулдошлар оилавакиллари деярли барча турлари доривор ўсимлик ҳисобланади. Масалан арслонқуйруқнинг доривор препаратлари тинчлантирувчи дори сифатида гипертония, нерв кўзгалиши ва баъзи юрак касалликларини даволашда ишлатилади. Тиббиётда тоғрайхондан тайёрланган препаратлар ичак атонияси касаллигида ҳамда иштаҳаочувчи ва овқат ҳазм қилиш жараёнини яхшиловчи дорисифатида ишлатилади. Бундан ташқари у балғам кўчирувчи дори ва терлатувчи восита сифатида ҳам қўлланилади. Эфир мойи эса тиш оғригини қолдириш учун ишлатилади

REFERENCES

1. Постановление Президента Республики Узбекистан «О программе модернизации технического и технологического перевооружения предприятий фармацевтической отрасли на период до 2011 года» ПП-731// Народное слово. –от 19 ноября 2007 года.
2. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан «О мерах государственной поддержки развития медицинской и фармацевтической промышленности в Республике Узбекистан» №287 // Народное слово. –от 15 августа 1996 года.
3. Аббасов Р.М., Исмаилов Н.М. Обследование эфиромасличных растений Лачинского и Кельбаджарского районов Азербайджанской ССР// Изв. АН АзССР. Сер. биол. с.–х. наук. 1959. –№3.–С. 9-16.
4. Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. –Тошкент: Фан, 1982.Т.1. –497 б
5. Абу Райхон Беруни. Избранные произведения. Китоб ас-Сайдана
6. // Фармакогнозия. книга 4. –Ташкент: Фан, 1974.–С. 692-693.
7. Исагалиев, Муроджон и др. "Сарпарис spinosa L. Сенопопуляция и биогеохимия в Южном Узбекистане". *Растения*11.13 (2022): 1628.
8. Юлдашев, Г. Х., and М. М. Хайдаров. "ПОТЕНЦИАЛЬНАЯ ЭНЕРГИЯ ГУМУСА- КРИТЕРИЯ БОНИТИРОВКИ ПОЧВ." *Научное обозрение. Биологические науки* 3 (2021): 11-15.
9. Юлдашев, Г., and М. Хайдаров. "Гумусное состояние сероземов севера Ферганы." *Гуминовые вещества в биосфере*. 2018.
10. Naydarov, M., et al. "LAMIACEAE OILA VAKILLARINING BIZ BILGAN VA BILMAGAN DORIVORLIK XUSUSIYATLARI." *Science and innovation* 1.D7 (2022): 89-94.
11. Турдалиев А., М. Гайдаров, И. Мусаев. "ПЕДОЛИТЛИ ТУПРОҚЛАРНИНГ АГРОНОМИК ХОССАЛАРИ." *Наука и инновации* 1.Д6 (2022): 245-249.
12. Юлдашев, Гулом, et al. "АГРОХИМИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА ЦЕЛИННЫХ И ОРОШАЕМЫХ СОВРЕМЕННЫХ СЕРОЗЕМОВ СЕВЕРА ФЕРГАНЫ." *Аграрная наука-сельскому хозяйству*. 2019.
13. Khaydarov, Mavlon, and Gulom Yuldashev. "ENERGY CHARACTERISTICS OF SOME FREE AMINO ACIDS IN DARK SEROZEMS." *Конференции*. 2021.
14. Юлдашев, Г., and М. М. Хайдаров. "ЭНЕРГЕТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ МОНОАМИНОДИКАРБОНОВЫХ КИСЛОТ И ПРОЛИНА В ТЕМНЫХ СЕРОЗЕМАХ." *Плодородие почв и эффективное применение удобрений: материалы Международной научно-практической конференции, Минск, 22–25 июня 2021 г. В 2 ч. Ч. 1/редкол.: ВВ Лапа [и др.]–Минск: Институт системных исследований в АПК НАН Беларуси, 2021.–242 с.–ISBN 978-985-7149-65-0.*
15. Хайдаров, Мавлон и Гулом Юлдашев. "ЭНЕРГЕТИЧЕСКИЕ ХАРАКТЕРИСТИКИ НЕКОТОРЫХ СВОБОДНЫХ АМИНОКИСЛОТ В ТЕМНЫХ СЕРОЗЕМАХ: <https://doi.org/10.47100/конференции.v1i1.1372>." *КОНФЕРЕНЦИИ ЦЕНТРА ПОДДЕРЖКИ НАУЧНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ*. № 18.06. 2021.

16. Хайдаров, Мавлонжон Машрабович, and Абдурахмон Ганиевич Собиров. "ЭНЕРГЕТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ АРОМАТИЧЕСКИХ, ДИАМИНОКАРБОНОВЫХ КИСЛОТ И ПРОЛИНА В ТЕМНЫХ СЕРОЗЕМАХ." *Science and innovation* 1.D3 (2022): 43-47.
17. Юлдашев, Г. Х., and М. М. Хайдаров. "ПОТЕНЦИАЛЬНАЯ ЭНЕРГИЯ ГУМУСА- КРИТЕРИЯ БОНИТИРОВКИ ПОЧВ." *Научное обозрение. Биологические науки* 3 (2021): 11-15.
18. Хайдаров, М. М., and А. Т. Турдалиев. "Саминов ААУ Энергетические особенности аминокислот в светлых сероземах." *Тенденции развития науки и образования* 80-3 (2021): 45-47.
19. Turdaliev, A.T., va boshqalar."b. Gidromorf tuproqlarning fizik-kimyoviy, geokimyoviy xususiyatlari va ularning tuproq-ekologik holatiga ta'siri". *Ilmiy sharh. Biologiya fanlari* 4 (2019): 44-49.
20. Kamoliddin, Askarov, and Musayev Iskandar. "Geochemical barriers in irrigated soils and the impact of them on plants." *European Journal of Molecular & Clinical Medicine* 7.3 (2020): 3082-3089.
21. 20.M. Haydarov, B. Sayramov, O. Rahmonova, & J. Eshnorova (2022). TARKIBIDA MONOSIKLIK MONOTERPENLAR BO'LGAN EFIR MOYLAR VA DORIVOR O'SIMLIKLAR. *Science and innovation*, 1 (A7), 337-343. doi: 10.5281/zenodo.7294869
22. Yusupova, Z., Saminov, A., & Sayramov, F. (2022). SALVIA-L MARMARAK TURKUMI VAKILLARINING O'ZBEKISTONDA TARQALISHI, HAYOTIY SHAKLLARI VA ISHLATILISHI. *Science and innovation*, 1(D6), 13-19.
23. 22.Haydarov, M., Yusupova, Z., Sayramov, F., & Rahmonova, O. (2022). LAMIACEAE OILA VAKILLARINING BIZ BILGAN VA BILMAGAN DORIVORLIK XUSUSIYATLARI. *Science and innovation*, 1(D7), 89-94.
24. Baratjon ogli, S. F. (2022). REPRESENTATIVES OF THE LAMIACEAE FAMILY PRODUCE ESSENTIAL OILS AND MEDICINAL AND HERBAL REMEDIES CONTAINING MONOCYCLIC MONOTERPENES. *IJODKOR O'QITUVCHI*, 2(23), 267-271.
25. Yusupova, Z. A., & Baratjon ogli, S. F. (2022). FEATURES OF THE GENUS LAMIACEAE FAMILY, WHICH WE KNOW AND DO NOT KNOW ABOUT. *IJODKOR O'QITUVCHI*, 2(23), 87-90.
26. Yusupova, Z. A., & Baratjon o'g'li, S. F. (2022). LAMIACEAE OILASINING EFIR MOYIGA BOY BO'LGAN BAZI TURLARINING MORFOLOGIYASI. *Scientific Impulse*, 1(2), 692-695.
27. Baratjon o'g'li, S. F. (2022). DORIVOR ISSOP O 'SIMLIGINING YETISHTIRISH TEXNOLOGIYASI VA SHIFOBAXSH XUSUSIYATLARI. *Journal of new century innovations*, 14(1), 50-53.
28. Хайдаров, М. М. (2022). МОРФОЛОГИЯ НЕКОТОРЫХ ВИДОВ СЕМЕЙСТВА LAMIACEAE, БОГАТЫХ ЭФИРНЫМ МАСЛОМ. *O'ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI*, 1(12), 834-838
29. . Baratjon ogli, S. F. (2022). REPRESENTATIVES OF THE LAMIACEAE FAMILY PRODUCE ESSENTIAL OILS AND MEDICINAL AND HERBAL REMEDIES

- CONTAINING MONOCYCLIC MONOTERPENES. *IJODKOR O'QITUVCHI*, 2(23), 267-271.
30. Yusupova, Z. A., & Baratjon o'gli, S. F. (2022). FEATURES OF THE GENUS LAMIACEAE FAMILY, WHICH WE KNOW AND DO NOT KNOW ABOUT. *IJODKOR O'QITUVCHI*, 2(23), 87-90.
 31. . Baratjon o'g'li, S. F. (2022). DORIVOR ISSOP O 'SIMLIGINING YETISHTIRISH TEXNOLOGIYASI VA SHIFOBAXSH XUSUSIYATLARI. *Journal of new century innovations*, 14(1), 50-53.
 32. Yusupova, Z. A., & Baratjon o'g'li, S. F. (2022). LAMIACEAE OILASINING EFIR MOYIGA BOY BO'LGAN BAZI TURLARINING MORFOLOGIYASI. *Scientific Impulse*, 1(2), 692-695.